

Тавсия: Ўзингизни ўнгланг!



09:00 / 22.08.2021 4360

Уламолар айтадилар:

«Агар бир одам намоздан лаззатланишни сезмай қолган бўлса ва уни кечикиб адо этиб дангасалик қилаётган бўлса, Қуръони каримни борган сари кам тиловат қилаётган бўлса, наҳий-мункар таъсир қилмаётган бўлса, хотира сусайиб бораётган бўлса, хулқи қўпол бўлганини сезса, вақт тез ўтаётганини сезса, бўлар бўлмас ишларга жудаям қизиқиши пайдо бўлганини билса ва жуфти ҳалолига нисбатан ҳис туйғуси ўчаётганини сезса, буларнинг барчаси қалб ўлаётгани ҳақида дарак беради.

Дарҳол ўзингизни ўнгланг!

Бунинг давоси:

- Дарҳол сизни вазифаларингиздан чалғитаётган нарсаларни тарк қилинг!
- Аллоҳ таолога тавба қилинг!
- Интернетга жуда қаттиқ эҳтиёж сезсангизгина кириг!
- Кунига энг камида бир пора Қуръон ўқинг (ёки хохишингизга қараб ундан кўпроқ)!
- Фарз намозларни ўз вақтида ўқинг! Нафл намозларни ҳам эсдан чиқарманг!

- Рўза тутинг ва садақа беринг! Зеро, бу ишлар Аллоҳнинг ғазабини сўнгдиради.
- Кундалик тартибни тузинг ва унга риоя қилинг!
- Фойдаси йўқ ишларни ва гапларни тарк қилинг!
- Кўпроқ ёлғиз бўлган ҳолингизда намоз ўқинг !
- Илм ўрганинг!»